Беш йилликни муддатидан илгари бажарайлик!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 29 (4999).

9 ФЕВРАЛЬ ШАНБА

1974 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ҚЎШИМЧА МАҲСУЛОТ

Трикотаж фирмаси республикамиз пойтахтининг пешқадам корхоналаридан ҳисобланади. Унинг меҳнатсевар ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1974 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш учун саноат, қурилиш ва транспорт ходимларининг Бутуниттифоқ мусобақасини уюштириш ҳақидаги қароридан руҳланиб, меҳнатда юксак марраларни кўзлашяпти.

Корхона аҳли бу йил зиммасига юксак мажбуриятлар олди. Шу туфайли ҳам барча цех, участка ва бригадаларда бу мажбуриятни шараф билан бажариш, республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг ярим асрлик тўйини катта-катта меҳнат зафарлари билан нишонлаш учун социалистик мусобақа авж олмоқда. Мусобақанинг оммавийлиги ва ошкорлиги таъминланганлиги туфайли аниқловчи йилнинг биринчи ойида план анча эпедаси билан адо этилди.

Ойлик топшириқ маҳсулот реализацияси ҳажми бўйича 29 январдаёқ бажарилди. Қўшимча тайёрланган турли-туман трикотаж буюмлари салкам юз минг сўмликни ташкил этди. Корхона трикотажчилари февраль ойида ҳам зарбдор меҳнат қилмоқдалар. Ҳар куни қўшимча кўплаб маҳсулот тайёрланмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, УЗСОВПРОФ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

1973 ЙИЛ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ПЛАНИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИШ УЧУН САНОАТ, ҚУРИЛИШ ВА ТРАНСПОРТ ХОДИМЛАРИ РЕСПУБЛИКА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1973 йил халқ хўжалиги плани ва социалистик мажбуриятларини тўла ҳамда ошириб бажаришда энг яхши кўрсаткичларга эришган саноат, қурилиш ва транспорт коллективлари социалистик мусобақаси якунларини кўриб чиқдилар ва шу масала юзасидан қарор қабул қилдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроқлари билан қуйидагилар мукофотланди.

Қорақалпоғистон АССР
Андижон области
Қашқадарё области
Наманган области
Сурхондарё области

ШАҲАРЛАР ВА РАЙОНЛАР ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССРдан

Нукус шаҳри, Амударё, Мўйноқ районлари.

АНДИЖОН ОБЛАСТИДАН

Андижон, Ленинск шаҳарлари, Андижон, Избоскан районлари.

БУХОРО ОБЛАСТИДАН

Бухоро шаҳри, Вобкент, Томди, Свердлов районлари.

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИДАН

Жиззах шаҳри.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИДАН

Қарши шаҳри, Шаҳрисабз райони.

НАМАНГАН ОБЛАСТИДАН

Наманган шаҳри, Чуст, Учқўрғон, Поп районлари.

САМАРҚАНД ОБЛАСТИДАН

Самарқанд шаҳри, Оқдарё, Самарқанд, Ургут, Пойариқ районлари.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИДАН

Термиз шаҳри, Сариосиё райони.

СИРДАРЁ ОБЛАСТИДАН

Сирдарё ва Янгиер шаҳарлари.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАН

Тошкент, Чирчиқ, Ангрен, Янгийўл шаҳарлари. Тошкент шаҳридаги Ҳамза, С. Раҳимов районлари, Оққўрғон, Оҳангарон районлари.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИДАН

Қўқон, Фарғона шаҳарлари, Тошлоқ, Ўзбекистон районлари.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИДАН

Боғот, Янгиариқ районлари.

МИНИСТРЛИКЛАР (ИДОРАЛАР)

Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлиги
Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги
Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлиги
Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги
Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қурилиши ва улардан фойдаланиш министрлиги
Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги
Ўзбекистон ССР Балиқ хўжалиги бошқармаси

Қуйидаги саноат, қурилиш, транспорт корхоналари ва халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг коллективлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроқлари ва пул мукофотлари билан мукофотландилар.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг Қўқон пойафзал фабрикаси.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг 8 Март номли Самарқанд тикув фабрикаси.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг Тошкент чинни заводи.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг Тошкент трикотаж фирмаси.

Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлигининг Ўзбекистон пахта тозалаш заводи.

Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлигининг Бухоро пахта тозалаш заводи.

Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлигининг Манғит пахта тозалаш заводи.

Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлигининг Бахт пахта тозалаш заводи.

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигининг Фарғона мой-ёғ комбинати.

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигининг Катақўрғон мой-ёғ комбинати.

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигининг Самарқанддаги «Уроқ ва Болға» консерва заводи.

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигининг «Ташкентвино» комбинати.

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигининг «Ҳурмат белгиси» орденли Қўқон нон комбинати.

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигининг «Қибрай» боғдорчилик-узумчилик совхози.

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигининг механизациялаштирилган кўчма колоннаси.

Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлигининг Чирчиқ гўшт комбинати.

Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлигининг Бухоро сут заводи.

Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлигининг Олмалиқ гўшт комбинати.

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноати министрлигининг Андижон тикув-галантерия фабрикаси.

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноати министрлигининг Олмалиқ тикув фабрикаси.

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноати министрлигининг металлфурнитур заводи.

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг Оҳангарон цемент комбинати.

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг Оҳангарон «Сантехлит» заводи.

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг Ғазалкент тош тарошлик комбинати.

(Давоми 2-бетда).

КАДРЛАР ЎҚУВИ

Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон Компартиялари Марказий Комитетлари ва область партия комитетлари идеология бўлимлари ходимларидан, шунингдек республика ва область газеталари ходимларидан катта бир группаси раҳбар партия ва совет кадрларни қайта тайёрлаш республикалараро курсларида ўқишни тамомлашди.

Тингловчиларга марксча-ленинча назария ва КПСС сиёсатининг актуал проблемалари, социалистик экономикани илмий бошқариш асослари, партия қурилиши, совет матбуоти назарияси ва практикаси юзасидан бир қанча лекциялар ўқилди. Лекцияларни таниқли олимлар, раҳбар партия ходимлари ўқидилар.

Якунловчи машғулотда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов тингловчилар ҳузурида нутқ сўзлади.

БИНОКОРЛАРГА МУКОФОТЛАР

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев 8 февралда Главташкенстройнинг «Жилстрой» тресті коллективига КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғини топширди. Бу байроқ коллективга 1973 йил халқ хўжалик планини муддатидан олдин бажариш учун саноат, қурилиш ва транспорт ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунлари юзасидан берилган эди.

Бинокорлар ўз меҳнатларига юксак баҳо берилганлигига жавобан уй-жойларни ишга тушириш йиллик планини Октябрь революциясининг 57 йиллигигача бажариш, павеллар ишлаб чиқариш топшириғини эса 20 октябргача уддалаш мажбуриятини олдилар.

Бинокорлар КПСС Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев номига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

* * *

Олмалиқ. Бу ерда СССР Қурилиш министрининг ўринбосари А. П. Парфенков Меҳнат Қизил байроқ орденли «Алмаликсвинецстрой» трестига КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғини топширди. (ЎзТАГ).

КЎКЛАМ ТАРАДДУДИ

Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхози теплица ва парник хўжалигида кўкламги кўчат етиштириш ишлари қизғин бормоқда. Колхознинг барча 14 та бригадаси аъзолари ҳозир эртаги сабзавот кўчатлари етиштириш ишларини пухта ўтказмоқдалар. Айниқса, О. Юнусов ва А. Исломов бошлиқ бригада аъзолари ҳар бир фурсатдан унумли фойдаланиб, сифатли кўчат етиштиришга катта эътибор беришяпти.

Ҳозир бу бригадаларда униб чиққан карам ва бошқа сабзавот кўчатлари теплицалардаги махсус ажратилган жойларга кўчат қилина бошланди. Бригада аъзолари парниклардаги ҳар бир ром тагида икки минг тўпдан кўчат етиштиришни мўлжаллашмоқда. Яхши ишлов берилган ва ўғит билан таъминланган тупроқда кўчатлар яхши ўсмоқда. Бу ишларда Малика Охунова, Мавлуда Турдиматова ва бошқа ўртоқлар барчага намуна кўрсатмоқда.

Шу кунларда колхознинг техника ремонти устахоналарида ҳам иш қизғин бораяпти. 7 та ҳайдов тракторн, 15 та чопиқ трактори, кўплаб чизель ва сеялкалар кўкламги дала ишларига тахт қилиб қўйилди.

Ремонт ишларида Р. Ғаниев, Т. Шокиров, А. Носиров каби механизаторлар ўз агрегатларини биринчилар қатори сифатли ремонт қилдилар.

ВЛКСМ Марказий Комитети VIII Пленуми ва Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг XIV пленуми қарорларига жавобан колхозда жуда кўплаб комсомол-ёшлар механизаторлик курсларига кириб ўқимоқдалар. Улар орасида Ш. Йўлдошев, Э. Тожибоев, Б. Қамчибеков, А. Алибоев каби ишлаб чиқариш илғорлари бор. Улар «Узсельхозтехника» район бирлашмаси қошида очилган тўрт ойлик курсни тугатиб, шу йил кўкламда дала ишларида қатнашадилар.

Курсда ўқиётган талабалар колхозга келгач, механизаторлар сони 70 дан ошади.

Р. АСИЛБОЕВА.

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги паррандачилик фабрикаси коллективи бу йил 42 миллион дона тухум ва 530 тонна парранда гўшти етиштириш учун курашмоқда. **СУРАТДА:** (ўнгда) фабрика ходимлари А. СИПАЕВА ва В. ПРИХОДЬКО ўртоқлар тухум сифатини кўздан кечирмоқдалар. Чапдаги суратда токарь В. ЗАЙЦЕВ ва унинг шогирди У. ХОЛМАТОВЛАРнинг янги ускуналарни ўрнатиш пайти тасвирланган.

Н. Муҳаммаджонов

МАРРА — 60 ЦЕНТНЕР

Бўка районидаги Тимирязов номли колхоз шоликорлари 90 гектар ернинг ҳар гектаридан 34 центнер ўрнига 50 центнердан ҳосил олган эдилар. Бу соҳанинг ўзидан хўжалик 26 минг сўм соф фойда кўрди.

— Бу йил серқуёш ўлкамиз таваллудининг 50 йиллиги нишонланади. Тўйга тўёна билан борилади, албатта. Биз шоликорлар ҳам КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан ҳосилдорликни пландаги 35 ўрнига 60 центнерга етказамиз, дейди шоличилик бригадасининг бошлиғи Ким Те Бон.

М. ПОРСИХОНОВ.

МЕХАНИЗАТОРЛАР МАЛАКА ОШИРМОҚДА

Чиноз районидаги Навоий номли колхозда тракторчилар курси ташкил этилди. Бу курсда ҳозир 38 нафар йигит ва қиз янги техника бўйича ўз билимларини оширмоқдалар. Бундай курс райондаги «Ўзбекистон 30 йиллиги» колхозида ҳам ташкил этилди.

Куни кеча райондаги «Узсельхозтехника» бирлашмаси қошида ҳам механизаторлар курси иш бошлади. Бу курсда 40 нафар йигит-қиз ўз билимларини оширмоқда.

Бундан ташқари 250 механизатор ва тракторчи малака ошириш курсларига жалб этилмоқда. Улар ҳар хил маркали пахта териш машиналари, сеялкаларни бошқариш, қишлоқ хўжалигига оид техникадан унумли фойдаланиш йўлларини ўрганаётирлар. Бундай курслар райондаги барча колхозларда очилмоқда.

БЕШ ЙИЛЛИКНИ УЛАР ШУ ЙИЛ ЯКУНЛАЙДИЛАР

КОЛХОЗЛАРДА ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ

Деҳқон сўзи қатъий сўз:

— Беш йиллик планни тўрт йилда бажарамиз, — дедими, айтилган сўз меҳнат билан мустаҳкамланади.

Узумзорда ишлаётган кексалар, далаларда тер тўкаётган колхозчилар, фермаларда сигирлар сутини кўпайтираётган, бўрдоқиларни семиртираётган уста чорвадорлар, бухгалтериядаги дафтарларни варақлаётган ҳисобдонлар шу мақсадни дилларига жо қилган ҳолда ғайрат ва шижоат кўрсатиб фидокорона курашаётирлар.

Ойлар, кварталлар, йиллар ҳисоби колхоз раҳбарлари кўз ўнгида. Йилнинг қайси даврида қандай натижага эришиляпти? Бу ютуқни қўлга киритиш учун қандай тадбирлар амалга оширилди? Бундан ҳам юқорироқ кўрсаткичга эришиш мумкинмиди? Бу соҳада йўл қўйилган камчиликлар? Келгуси ойда уни тузатиш мақсадида нималар қилиш керак? Шуларнинг ҳаммаси муҳокамадан ўтказилади ва зарур тадбирлар белгиланади.

Тўққизинчи беш йилликнинг учинчи йили якунлари сабзавот экинлари маҳсулоти, узум етиштириш бўйича умуман ёмон эмас. Белгиланган натижадан анча ўзиб кетилган. Айрим бригадалар, айниқса Худойназар Умаров, Неъмат Расулов, Ислом Баҳрамов, Маҳкам Иноятов, Дадажон Раҳимов ўртоқлар бошлиқ бригадалар ишлаб чиқариш, давлатга маҳсулот сотиш, иқтисодий фойда планларини анча ошириб бажаряпти, бу билан колхоз экономикасини янада мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Беш йил давомида етиштирилиши зарур бўлган маҳсулот тўрт йилга тақсимланганда қуйидаги натижаларга эришилганини кўрамиз: картошка бўйича план 70 процент, сабзавот — 75, полиз — 89 ва мева, узум — 66 процент адо этилган. Яқинда бўлиб ўтган колхозчиларнинг ҳисобот мажлисида асосий эътибор 1974 йилда айниқса картошка, мева ва узум етиштиришни кескин кўпайтиришга қаратилиши кераклиги алоҳида таъкидланди. Шунда беш йиллик план тўрт йилда шараф билан адо этилган бўлади.

Бу вазифани тўла-тўкис бажариш учун ерлардан тўла ва оқилона фойдаланиш, такрорий экиш ишларини белгиланган муддатларда бажариш муҳим резервлардан эканлиги қайд қилинди. Кўпгина бригадалар сабзавотдан мислсиз юқори ҳосил етиштираётган бир пайтда, баъзи бригадалар ишлаб чиқариш планларини ҳам, иқтисодий фойда келтириш планларини ҳам бажармаётирлар. Ленин орденли Неъмат Расулов бригадаси уч йил давомида 3687 тонна ўрнига 4673 тонна маҳсулот ишлаб чиқариб, топшириқни 127 процент бажарди. Улар картошка ҳосилдорлигини 130—140 центнерга, сабзавотни 300 центнерга етказдилар. Ваҳоланки, ўн ўчта бригададан иккитаси мўлжалдагидан анча кам ҳосил олиб ишлаб чиқариш планини уддалай олмади. Агар шулар ҳам, ҳосилдорлик жиҳатидан пешқадам бригадаларга нисбатан бирмунча паст кўрсаткичга эришаётган бошқа бригадалар ҳам социалистик мажбурият даражасида маҳсулот етиштиришга эришганларида эди, хўжалик кўрсаткичи бундан ҳам юқори бўлар эди.

Ҳисобот мажлисида бу хилдаги ички резервлардан 1974 йилда тўла ва катта мақсадни кўзлаган ҳолда уддабуронлик билан фойдаланиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Колхозда чорвачилик ҳам етакчи тармоқлардан ҳисобланади. Ўтган йили давлатга гўшт, сут, тухум, жун, пилла сотиш планларини ошириб бажарилди. Ҳар бир сигирдан 3151 литрдан ёки 1972 йилдагига нисбатан 291 литрдан кўп сут соғиб олинди. Колхоз раиси С. Муҳаммаджонов ўз докладида яқин йилларда сигирлардан сут соғиб олишни 3500—4000 литрга етказиш, ўшанда бир йилда 1000 тонна сут етиштириш учун пухта замин тайёрланаётганини, бу йўлда колхоз чорвадорлари зарур бўлган барча тадбирларни изчиллик билан амалга ошираётганликлари тўғрисида гапирди.

1974 йилда, яъни бу колхоз аъзолари учун беш йиллик план бажариладиган йилда, жаъми 15.500 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштирилади. Шундан 1875 тоннаси картошка, 6790 тоннаси сабзавот экинлари маҳсулоти. 650 тонна сут, 870 центнер гўшт, 120 центнер пилла, 2500 килограмм жун, 160 минг дона тухум тайёрланади.

Тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи тўртинчи йилида улар зиммага олинган социалистик мажбуриятни бажариб, шаҳар меҳнаткашларига кўп ва юқори сифатли маҳсулот етказиб бериш, уларнинг бир қисмини эрта муддатларда шаҳарликлар дастурхонига ҳадя этиш тараддудидалар.

Эртаги экинлар учун 150 гектар ерга эгат олиб тайёрлаб қўйилди. 50 гектар ерга август пиёзи, 3 гектар майдонга дербент карами ва бошқа резавор экинлар плёнка тагида ўстирилмоқда.

Парник ва теплицаларда кўкламга тайёргарлик ишлари қизғин тус олган. Кўчат тайёрлаш, эртаги экинлар маҳсулотини тезроқ тайёрлаш йўлида ҳар бир киши хормай-толмай меҳнат қилмоқда.

Колхозчиларнинг ҳисобот мажлисида ветеран колхозчи Ортиқбой ака кўпчиликнинг дилидаги мақсадни ифодалаб бундай деди:

— Колхозимизнинг номи «Ленин йўли». Биз шу номга муносиб ишлаяпмиз. Ленин йўлидан дадил бориб, халқимиз учун кўплаб деҳқончилик ва боғдорчилик ҳамда чорвачилик маҳсулоти етказиб бериш учун курашамиз. Беш йилликни бу йил тўрт йилда тўла бажарамиз, партия ва ҳукуматимизга, халқимизга сўзимизнинг устидан чиқдик, деб рапорт берамиз.

Биз ҳам уларнинг шу улуғ мақсадига тилакдошмиз.

Йиғилишда область партия комитетининг секретари Ўртоқ М. Камолов нутқ сўзлади.

С. МАҲКАМОВ.

1973 ЙИЛ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ПЛАНИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИШ УЧУН САНОАТ, ҚУРИЛИШ ВА ТРАНСПОРТ ХОДИМЛАРИ РЕСПУБЛИКА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Бошы 1-бетда).

Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг 93-махсус трестига қарашли Олмалиқ «Промтехмонтаж» монтаж бошқармаси.

Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг Тошкент шаҳридаги ихтисослаштирилган «Средазтепломонтаж» трести.

Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг «Ферганасантехгазмонтаж» трестига қарашли Фарғона монтаж бошқармаси.

Ўзбекистон ССР мебель ва ёғочсозлик саноати бошқармасининг Тошкент шаҳридаги қўзғу-мебель фабрикаси.

Ўзбекистон ССР балиқ хўжалиги бошқармасининг Тошкент область, Калинин районидаги Дамачи кўл-ҳовуз балиқчилик хўжалиги.

СССР нўмир саноати министрлигининг «Средазуголь» комбинатига қарашли 9-шахтаси.

«Главташкентстрой» нинг «Строймеханизация» трести.

«Главташкентстрой»нинг ихтисослаштирилган «Ташинжстрой» трести.

«Главташкентстрой» саноат корхоналари бошқармаси.

Ўзбекистон ССР қурилиш министрлигининг Фарғона шаҳридаги 8-қурилиш трести.

Ўзбекистон ССР қурилиш министрлигининг Қўқон шаҳридаги 15-қурилиш трести.

Ўзбекистон ССР қурилиш министрлигининг Чирчиқ шаҳридаги 160-қурилиш трести.

Ўзбекистон ССР қурилиш министрлигининг Тошкент шаҳридаги 1-область автомобиль трести.

«Ўзколхозстрой» бирлашмасининг Самарқанд «Облколхозстрой» трести.

«Ўзколхозстрой» бирлашмасига қарашли Қашқадарё «Облколхозстрой» трести.

«Ўзколхозстрой» бирлашмасига қарашли Сурхондарё «Облколхозстрой» трести.

Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министрлигининг «Сирдарьяэлектросеть» корхонаси.

Ўзбекистон ССР геология министрлигининг «Қаршинефтегазразведка» трести.

Ўзбекистон ССР геология министрлигининг илмий-ишлаб чиқариш гидрогеология бирлашмасига қарашли Фарғона гидрогеология экспедицияси.

Ўзбекистон ССР геология министрлигининг «Бухаранефтегазразведка» трестига қарашли Янгиқазган нефтьгаз разведка экспедицияси.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети нашриётлар босмаханалар ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг Ғафур Ғулом номли нашриёти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети нашриётлар, босмаханалар ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг Фарғона область китоб савдоси бўлими.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети кинематография Давлат комитетининг «Ўзбекфильм» киностудияси.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги ёғоч тайёрлаш ва ёғочсозлик Бош бошқармасининг Тошкент шаҳридаги дурадгорлик буюмлари заводи.

Ўзбекистон ССР алоқа министрлигининг Фарғона область алоқа ишлаб чиқариш-техника бошқармаси.

Ўзбекистон ССР алоқа министрлигининг республика радиомарказа.

Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигининг Гулистон шаҳар маиший хизмат кўрсатиш комбинати.

Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигининг «Автотехобслуживание» Тошкент шаҳар бошқармаси.

Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигининг Хива ремонт-қурилиш участкаси.

Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиш министрлигининг Бухоро областидаги 20-қурилиш трести.

Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиш министрлигининг Сурхондарё областидаги 26-қурилиш трести.

«Главсредазирсовхозстрой»нинг Сирдарё область Октябрь районидаги Собир Раҳимов номли совхози.

«Ўзглавводстрой»нинг «Хорезмсовхозстрой» трести.

Ўзбекистон ССР медицина ва сув хўжалиги министрлигининг «Наманганирстрой» трести.

Тошкент шаҳар ижроия комитети ободончилик Бош бошқармасининг «Гордорстройремонт» трестига қарашли асфальтбетон заводи.

Тошкент шаҳар ижроия комитети ободончилик Бош бошқармаси «Гордорстройремонт» трестига қарашли 3-ремонт-қурилиш участкаси.

Ўзбекистон ССР коммунал хўжалик министрлиги «Узводоканал» трестига қарашли Олмалиқ «Водоканал» бошқармаси.

Ўзбекистон ССР коммунал хўжалик министрлиги «Узремстройтрест»га қарашли Хоразм область ремонт-қурилиш бошқармаси.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг Навоий шаҳридаги 88-Навоий шаҳар ўрта-ҳунар техника билим юрти.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг 2-Шеробод қишлоқ ҳунар-техника билим юрти.

Ўзбекистон ССР савдо министрлигининг Марғилон шаҳар промторги.

Ўзбекистон ССР савдо министрлигининг Андижон умумий овқатланиш трести.

Ўзбекистон ССР савдо министрлигининг Тошкент шаҳридаги Чилонзор райпишчеторги.

Ўзбекистон ССР савдо министрлигининг Қўқон шаҳар пишчеторги.

Ўзбекистон ССР савдо министрлигининг Тошкент шаҳридаги Куйбишев ошхоналар трестига қарашли 20-ошхона.

Ўзбекбирлашув правлениесининг Тошкент областидаги Орджоникидзе район матлубот союзи.

Ўзбекбирлашув правлениесининг Бухоро областидаги Конимех район матлубот жамияти.

Ўзбекбирлашув правлениесининг Фарғона областидаги Риштон район матлубот союзи.

Ўзбекбирлашув правлениесининг Жиззах район матлубот жамияти.

Ўзбекистон карлар жамияти Марказий правлениесининг Тошкент шаҳридаги карлар 2-ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси.

Ўзбекистон кўрлар жамияти Марказий правлениесининг Марғилон ишлаб чиқариш комбинати.

Ўзбекистон ССР автомобиль йўллари қурилиши ва улардан фойдаланиш министрлигининг Тошкент шаҳридаги автомобиль йўлларида кўприклар қуриш республика трести — «Узмостострой».

Ўзбекистон ССР автомобиль йўллари қурилиши ва улардан фойдаланиш министрлиги управтодорининг 2-Зарафшон йўлдан фойдаланиш участкаси.

Ўзбекистон ССР автомобиль йўллари қурилиши ва улардан фойдаланиш министрлигининг Қўйлиқ кўприк темир-бетон конструкциялар экспериментал заводи.

Ўзбекистон ССР балиқ хўжалиги бошқармасининг Қорақалпоғистон АССР Мўйноқ шаҳридаги Қорақалпоғистон Рибакколхозсоюзига қарашли «Память Ленина» балиқ овлаш колхози.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Узглавнефтеснабсбитининг Жиззах область бош нефть базаси.

Ўзбекистон ССР Главгазининг «Ферганаоблгаз»ига қарашли Фарғона ишлаб чиқариш бошқармаси.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўрмон хўжалиги Давлат комитетининг Наманган ўрмон хўжалиги.

Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министрлиги Тошкент область юк ташиш ишлаб чиқариш автомобиль трестига қарашли 16-Бекобод автомобиль корхонаси.

Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министрлигининг Қашқадарё область ишлаб чиқариш автомобиль трестига 35-Шаҳрисабз автомобиль корхонаси.

Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министрлигининг Наманган область ишлаб чиқариш автомобиль трестига қарашли Наманган таксомотор парки.

Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министрлигининг Тошкент пассажир автомобиль транспорти ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли 3-автобус парки.

Ўрта Осиё темир йўлининг Тошкент бўлими.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Главснабининг республика «Узглавлесбумсбит» базаси.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Главснабига қарашли Узглавэлектроснабсбитнинг «Узэлектронрадиоприбор» конторасы.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Главснабининг Узглавтарисига қарашли Самарқанд бирлашган корхонаси.

1973 йил социалистик мусобақа якунлари бўйича энг яхши ишчиларни ва бригадаларнинг коллективларини рағбатлантириш учун Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети Совет Иттифоқи бўйлаб ва чет мамлакатлар бўйлаб саёҳат қилиш учун 890 та имтиёзли туристик путёвкаларини ажратди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети республикадаги зарбдор комсомол қурилишлари — «Водстрой» трестининг 13-монтаж ишлари участкасига, 163-трестнинг 2-қурилиш-монтаж бошқармасига иккита Кўчма Қизил байроқ ҳамда социалистик мусобақада энг юксак кўрсаткичларга эришган комсомол ёшлар коллективларини мукофотлаш учун қимматли совғалар билан бирга 250 та вимпел берди.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба Союзлар республика Совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети қатъий ишонч билдириб айтадиларки, ишчилар, инженерлар, техниклар, саноат, қурилиш, транспорт ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларининг меҳнатчилари умумхалқ социалистик мусобақасига актив кўшилиб, тўқкизинчи беш йилликнинг 1974-белгиловчи йилини зарбдор меҳнат йиллига айлантирадилар, мамлакатга кам чиқим билан кўпроқ яхши сифатли маҳсулот бериш учун ўзларининг бутун кучлари, билимлари ва тажрибаларини сарфлайдилар ва бу билан мамлакатимиз экономикасини янада ривожлантириш, совет халқининг фаровонлигини юксалтириш юзасидан партия белгилаб берган программани амалга ошириш ишига муносиб ҳисса қўшадилар.

ТОШКЕНТДАГИ «Учқун» тўқимачилик-галантерия фирмасида социалистик мусобақа тобора авж олаяпти. Бунда иштирок этаётган кўплаб ишчилар норматив ортиғи билан адо этмоқдалар. Ёш тўқувчи Танзила Мусаева ҳам шундай пешқадамларнинг бири. У нормасини 120—130 процентдан бажаряпти.

М. Нуриддинов фотоси.

ХОТИН-ҚИЗ ЛЕКТОРЛАР

Область партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими ўзбек хотин-қизларидан турмуш маданияти ва ёшларни тарбиялаш бўйича лекторлар тайёрлаш бир йиллик мактабига навбатдаги тингловчиларни жалб этди. Мактабда 70 нафар тингловчи бор. Улар областнинг шаҳар ва районларидаги соғлиқни сақлаш, маданий муассасалар, халқ маорифи, партия ва комсомол органларининг ходимларидир.

Лекторлар мактабда дастлабки машғулотлар ўтди. Бу машғулотларда «Турмуш- умумий гигиенаси», «Турмуш ва эстетика», «Халқаро аҳвол ҳақида», «Ёшларни ватанпарварлик ва интернационал руҳда тарбиялаш масалалари», «Янги маросимлар ва одатларни пропаганда қилиш», «Болаларни онлада тарбиялаш», «Ленин ва Шарқ хотин-қизлари» мавзуларида лекциялар бўлди. Лекцияларни медицина фанлари доктори, профессор А. Қодирова, фалсафа фанлари кандидати, доцент А. Саидҳўжаева, тарих фанлари кандидати, доцент Э. Хайитбоев, педагогика фанлари кандидатлари, доцентлар А. Аҳмедов, Ф. Абдуллаева, илмий ходим Ш. Абдуллаева ва бошқалар ўқидилар.

Ўқув плани бўйича лекциялар билан бир қаторда рефератлар тайёрлаш ва семинар машғулотлари ўтказиш, В. И. Ленин музейи филиалига, моделлар уйига, амалий санъат музейи ва бошқа жойларга бориш мўлжалланган. Машғулотлар мавзулари бўйича ҳужжатли фильмлар ҳам кўрсатилади.

ШУ кунларда область колхоз ва совхозларда белгиловчи йил учун ишлаб чиқариш ва молия планлари тасдиқланмоқда. СУРАТДА: Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли колхоз бош экономисти (чапда) ПАВЕЛ КИМ ва колхоз бош бухгалтери ГИЁС МАҚСУДОВЛАР план топшириқларини кўздан кечирмоқдалар.

Н. ТУРАЕВ фотоси.

ОБИ-ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИ

Калинин районининг ерлари бу йил яна 500 гектарга кенг гаяди. Ҳадемай, Рамадон канали устида қурилган насос станцияси ишга туширилади. Қақраб ётган ерларга обиҳаёт чиқарилади.

Янги станциянинг ишга туширилиши билан майда насосларга хизмат қолмайди. Сув бир жойдан барча томонга рационал тақсимланади. Айни пайтда янги станция сув чиқариб беришни анча кўпайтиради. Бунинг эвазига 3-«Назарбек», 2-«Тошкент» ва «Москва» совхозлари ерига яна юзлаб гектар янги ерлар қўшилади.

Қишлоқларимизни сувга сероб қилиш йўлида бошқа тадбирлар ҳам кўрилмоқда. Жумладан, Бўрижар, Бўзсув каналларини реконструкция қилиш ишлари қизғин бошлаб юборилди. Реконструкция ишлари тугагач, Орджоникидзе, Калинин, Янгийўл райони хўжаликларида сувга бўлган танқислик барҳам топади.

Ҳандам канали қурилиши тугаллангандан кейин эса сўгориладиган ерлар бағри яна ҳам кенгаяди. Қурувчилар ҳозир каналга бетон «кўйлак» кийгизишмоқда. Бетонлаш ишлари ниҳоясига етказилиши билан 10 минг гектар ер Ҳандам канали сувидан баҳраманд бўлади. Юқори Чирчиқ, ўрта Чирчиқ районларида янги ерлар очилиб, қишлоқ хўжалиги оборотига киритилади.

ПАХТАКОРЛАР САФАРДАН ҚАЙТИШДИ

Унумли меҳнатдан сўнг дам олиб, ҳордиқ чиқариш қандай яхши. Кўпчилик деҳқонларимиз ўз меҳнат отпускаларини бу йил турли жойларда ўтказиб, яхши таассуротлар билан она қишлоқларига қайтиб келмоқдалар.

Куни кеча бир группа пахтакорлар Украинага қилган сафарларидан қайтиб келдилар. Улар орасида Бўка районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси Н. Муротов, «Бўка» совхози ишчиларидан Я. Султонов, Э. Жуматоев ўртоқлар бор эди.

— Сафаримиз пайтида биз қардош Украина шаҳар ва қишлоқларини сайр қилдик, ҳамкасблар билан учрашиб ўзаро тажриба алмашдик, — дейишди улар. Мана энди янги куч-қувват билан яна ишга киришмоқдамиз. Бу йил пахта ҳосилдорлигини янада ошириб, Ватанга кўпроқ «оқ олтин» совға қилиш тадбирларини кўрмоқдамиз.

ХИЁБОНЛАР КЎПАЯДИ

Областимиз район марказлари йил сайин ободонлашиб бормоқда. Қурилаётган янги-янги турар-жойлар, маданий-маиший binolar сони кўпаймоқда. Бу йил аҳоли зич яшайдиган марказларни янада ободонлаштириш ишлари давом эттирилади. Шу мақсадларга давлат 2 миллион сўмлик маблағ ажратди.

Кунлар ўтиб кетиши билан 30 га яқин хиёбон очиш, мавжудларни реконструкция қилиш ишлари кенг кўламда бошлаб юборилади. Янги очладиган хиёбонларга, марказий кўчаларнинг бўйларига 350 минг туп манзарали дарахт кўчатлари ўтказилади. Бир йўла кўчалар ва хиёбонларни тунда ёритиш системасини ўрнатиш ишлари ҳам бажарилади.

Ҳар бир район кўчат ўтказиш бўйича конкрет планга эга. Янги очилган хиёбонларга, марказий кўчаларга оққўрғонликлар 20 минг туп, бўстонлиқликлар 25 минг туп кўчат ўтказилади. Янги Қуйи Чирчиқ районида марказини ободонлаштириш ишига алоҳида эътибор берилади. Бу районда 80 минг тупдан ортиқ кўчат ўтказилади.

Фан ва техника янгиликлари

ДАРСЛИКЛАР ЕНГИЛЛАШДИ

Дрезденда (ГДР) янги хил мактаб дарсликлари чиқарила бошланди. Улар аввалги йил чиқарилганларидан мазмуни билан эмас, балки вазни билан фарқланади. Гап шундаки, бу дарсликларнинг муқовалари янги хил чидамли ва енгил синтетика материалларидан ишланган бўлиб, устини сув билан ювиб, тозалаш мумкин. «Фольк унд виссен» нашриёти чиқара ётган ҳар бир дарслик вазни аввалгиларидан ўрта ҳисобда етмиш грамм енгилдир.

ТАБИИЙ ГАЗДАН — ОҚСИЛ

Кейинги йилларда табиий газдан хилма-хил маҳсулотлар ҳосил қилинмоқда. Яқинда Англияда қурилажак янги бир завод табиий газдан оқсил ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Табиий газдан саноат усулида олинадиган бу оқсил моллар-нинг ем-хашагига қўшиб берилади.

БИНОЛАРНИ ИСИТИШ УЧУН

Катта шаҳарларда чиқиндиҳамда аҳлатни ташиш масаласи тобора қийинлашиб бора ётган ҳозирги шароитда улардан маълум мақсадларда фойдаланиш йўллари ҳам излаб топилмоқда. Масалан, Париж шаҳрида хилма-хил чиқиндилар қуйдирилиб, биноларни иситишда қўлланиляпти. Ўтган йили бу шаҳардаги биноларни буғ ёрдамида иситиш учун 6 миллион тонна буғ сарфланган бўлса, шунинг бир миллион 700 минг тоннаси юқоридаги усул билан олинди.

ОИЛАВИЙ ВЕЛОСИПЕД

Японияда тўрт гилдиракли катта велосипедларни кўп учратиш мумкин. Катта шаҳарлар ҳавоси машиналар кўпайиб кетгани туфайли чидаб бўлмас даражада ифлосланган бир шарортда бундай транспорт воситаси жуда қўл келяпти. Бундай велосипедда уч-тўрт киши-лик онла бемалол истаган жойга бора олади.

СУҲБАТЛАР ТЕМАТИКАСИ

СИЁСИЙ АХБОРОТЧИЛАР, АГИТАТОРЛАР ВА СИЁСИЙ ТАШКИЛОТЧИЛАРГА ЁРДАМ

Пойтахт область меҳнаткашлари беш йилликнинг ўтган, ҳал қилувчи йилини муваффақиятли якунладилар. КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати коллективларда қизғин қўллаб-қувватланди. Бу Мурожаатни муҳокама қилган коллективлар мукобил планлар, беш йилликнинг тўртинчи белгиловчи йилига ошириллган социалистик мажбуриятлар қабул қилмоқдалар.

Январь ойидаги ишларнинг дастлабки якунлари шундан далолат бериб турибдики, кўпгина коллективлар Ўзбекистон республикаси ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли олтин юбилейини муносиб кутиб олиш учун мусобақани кенг авж олдириб, сиёсий ва меҳнат кўтаринкилигини ошириб юбордилар.

Сиёсий ахборотчи, агитатор ва сиёсий ташкилотчиларнинг вазифаси бутун сиёсий ишни ҳар бир меҳнат коллективининг ватанпарварлик ташаббусларини тушунтириб беришга йўналтиришдан иборатдир. Мусобақанинг муваффақияти унинг ошкоралигига, натижаларни таққослаш, нақорларнинг тажрибасига эргаша билишга боғлиқдир.

Тошкент область меҳнаткашларининг социалистик мажбуриятларини кенг тушунтириш зарур. Бу мажбуриятлар «Правда» газетасининг 22 январь сонида, республика ва область газеталарининг 23 январь сонида босилган. Қабул қилинган мажбуриятларни муваффақиятли амалга ошириш бугунги кунинг муҳим вазифасидир. Партия ташкилотлари сиёсий ахборотчилар, агитаторлар, сиёсий ташкилотчилар учун доимий ишловчи семинарларнинг навбатдаги машғулотларини ўтказишлари керак. Бунинг учун «КПСС раҳбарлигида — коммунизмнинг янги галабалари сари» мақоласидан, (**КПСС Марказий Комитетининг «Партийная жизнь» журнали, 1-сон, 8—12-бетлар**), Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг «КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1974 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш учун саноат, қурилиш ва транспорт ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорини бажариш тадбирлари ҳақида»ги қароридан фойдаланинг.

Февраль ойида суҳбатлар ўтказиш учун қуйидаги материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

МАМЛАКАТ ИЧКИ ҲАЁТИ МАСАЛАЛАРИ

Ягона тўғри ленинча йўлдан (**«Ўзбекистон коммунисти» журнали, 1-сон**).

Олтин юбилейни муносиб кутиб олайлик (**«Ўзбекистон агитатори» журнали, 1-сон**).

Олтин юбилейга тайёргарлик. Тошкент области ҳақида материаллар (**Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «Партия турмуши» журнали 1-сон**).

«КПСС Марказий Комитети 1973 йил декабрь Пленумининг якунлари ва республика ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришни янада жадаллаштириш соҳасида Ўзбекистон партия ташкилотининг вазифалари» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV пленумининг материаллари (**республика, область газеталарининг 23 январь сонлари**).

Тинчлик посбони. 23 февраль — Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти кунига (**«Агитатор» журнали 2-сон, 40—43-бетлар**).

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИ МАСАЛАЛАРИ

Беш йилликнинг зарбдор одими (**область газеталарининг 5 февраль сони**).

Янги йилда янги зафарлар сари (**«Ўзбекистон агитатори» журнали 2-сон**).

Мусобақани кенг қулоч ёйдирайлик. Партия чақиригига зарбдор меҳнат билан жавоб берайлик. (**«Агитатор» журнали, 2-сон, 8—13-бетлар**).

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида «Республикада саноат потенциалини янада тез ривожлантириш ва капитал қурилишни кучайтириш тадбирлари тўғрисида» (**республика ва область газеталарининг 1 февраль сонлари**).

Бизнинг ишчилар синфимиз (**«Ўзбекистон агитатори» журнали 1-сон**).

Халқ бойлигига тежамкорлик билан муносабатда бўлайлик (**«Агитатор» журнали 1-сон, 38—39-бетлар**).

Коллектив ва шахс (**«Ўзбекистон агитатори» журнали, 2-сон**).

ФАН, МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг ташкил этилиши (**«Ўзбекистон агитатори» журнали, 1 ва 2-сонлар**).

Индустриалштириш учун курашда (**Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «Партия турмуши» журнали, 1-сон**).

В. И. Ленин Коммунистик ахлоқининг моҳияти ва принциплари тўғрисида (**«Ўзбекистон агитатори» журнали, 1 ва 2-сонлар**).

Ўзбекистонда ленинча тил сиёсатининг буржуа сохталаштирувчиларига қарши (**«Ўзбекистон коммунисти» журнали, 1-сон**).

Янги социалистик байрамлар, одат ва маросимлар (**«Агитатор» журнали 2-сон, 22—32-бетлар**).

Оила — мактаб — бола (**«Агитатор» журнали 1-сон, 38—39-бетлар**).

Фанлар академиясининг 250 йиллиги (**«Агитатор» журнали 2-сон, 44—45-бетлар**).

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

Ленинча тинчлик сиёсати (**«Международная жизнь» журнали 1-сон, 3—13-бетлар**).

Совет—ҳинд дўстлиги мустаҳкамланмоқда (**Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «Партия турмуши» журнали, 1-сон, «Ўзбекистон агитатори» журнали, 1-сон**).

Куба коммунистлари социализм учун курашда (**КПСС Марказий Комитетининг «Партийная жизнь» журнали, 1-сон, 73—76-бетлар**).

Умумий курашдаги сафдошлар (**«Международная жизнь» журнали, 1-сон, 21—28-бетлар**).

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Қубага қилган сафарига онд материаллар (**вақтли матбуотнинг 29 январдан 5 февралгача сонлари**).

Яқин Шарққа мустаҳкам тинчлик (**«Агитатор» журнали, 2-сон, 47—49-бетлар ва вақтли матбуот**).

Пекин дипломатиясининг маневрлари (**«Международная жизнь» журнали, 1-сон, 35—45-бетлар**).

Капиталистик мамлакатларда энергетика танқислиги (**«Агитатор» журнали, 2-сон, 60-бет**).

Валюта кризиси ва тараққий этаётган мамлакатлар (**«Международная жизнь» журнали, 1-сон, 73—82-бетлар**).

Буржуа демократияси — эксплуататорлар учун озодлик (**«Агитатор» журнали, 2-сон, 50—52-бетлар**).

Эслатма: ўтказиладиган суҳбатларда вақтли матбуот материаллари, маҳаллий фактлар ҳамда мисоллардан кенг фойдаланиш керак.

УСТОД НАВОИЙ ХОТИРАСИ

ИЛҲОМБАХШ ДАҲО

Буюк мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг адабий меросини халқимиз севиб ўқиб келмоқда, унинг асарлари қайта-қайта нашр этилиб, илмий тадқиқотлар объекти бўлиб қолган.

Ўзбек совет поэзиясида, проза ва драматургиясида устод Навоийнинг ёрқин образи яратилган. Бундай асарлар улуғ шоир сиймосинигина эмас, ўзбек совет адабиётини ҳам безаб турибди. Жумладан, Ойбекнинг «Навоий» поэмаси, кейинчалик яратилган «Навоий» романи фикримизнинг далилидир. Ойбек поэмасида ҳам, романида ҳам Алишер Навоийни улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири ҳамда улкан жамоат арбоби — тинчлик ва маърифатнинг буюк ҳимоячиси сифатида талқин ва тасвир этди.

«Ёшлигимда асарлари билан танишган ўзбек классиги, буюк ўлмас Алишер Навоий ҳақида ёзишни кўпдан бери орзу қилар эдим, — дейди роман муаллифи асарининг яратилиш тарихига мурожаат этиб, — улуғ гуманист образи ўрта аср туни қоронғулигини ёритувчи ёруғ машъал каби менинг хаёлимни эгаллаб олди. Мен «Навоий» поэмасини ёздим. Навоий образи менинг кўпгина йирик шеърларимда пайдо бўлди ва ниҳоят 1942 йилда «Навоий» романини тамомладим. У биринчи марта 1944 йилда ўзбек тилида, 1945 йилда рус тилида босилиб чиқди».

Совет халқлари фашизм зулматига қарши мардонавор жанг қилган ўша тарихий вазиятда зиё душманларига қарши ёруғ машъал каби порлаган улуғ гуманист Навоий образини мужассамлантирган бу ажойиб тарихий романнинг ёзилиши ўтмиш авлодларнинг ватанпарварлик анъаналарини ибратомуз бадиий бўёқларда жонлантириш нуқтаи-назардан катта маърифий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлди.

Таниқли шоир ва олим, Мақсуд Шайхзода ўзбек совет адабиётида бу темада яратилган илк йирик асар сифатида китобхонларга манзур бўлган Ойбекнинг шу романига бағишлаб ёзган маълум мақоласини «Тирик Алишер» деб атагани бежиз эмас эди.

Улуғ тарихий шахслар қаторида Навоий образи халқ оғзаки ижодиётида ҳам гавдаланган. Бу жиҳатдан қараганда, Ойбекнинг халқ афсонасидан илҳомланиб яратилган «Гули ва Навоий» шеърий эртагидаги Навоий образи ҳам диққат ва эътиборни жалб этади. Зўр поэтик талант билан ёзилган бу шеърий эртакдаги Навоий дилнавоз Гулининг бокира муҳаббатига содиқ бўлиб қолган соф севги соҳиби сифатида гавдаланади. Навоий образини яратишда автор характеристикаси ҳам муҳим роль ўйнаган:

Ёш қалбида кўп орзу,
ғайрат,
Ожизликка у қилур нафрат.
Табассуми, чеҳраси илиқ
Фикри чақмоқ, мантиқи
пишиқ.
Келтиради тунлари ором.

Шунингдек, Навоий образи ёзувчи Л. Батьнинг «Ҳаёт бўстони» (1960) повестида, М. Осимнинг мўъжаз ҳикояларида ўзининг бадиий ифодасини топди. Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Собир Абдулла, Ҳабибий каби устоз шоирлар назмида ҳам Навоий образи яркираб турибди.

Ғафур Ғулом «Навоий қабри устида» айтган муҳаммасидаги Алишер Навоий олийжаноб инсоний идеалларининг совет давронида рўёбга чиққанлиги тўғрисида шоҳ сатрлар битиб, Алишерни улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири сифатида кўз олдимизга келтиради:

Китобинг кирмаган ўзбек
элида хонадон йўқдир,
Рубобий куйларинг ёд
билмаган бир жонажон
йўқдир,
Етук авлодларингдир илму-
донишли, гумон йўқдир,
Башар тарихини юз бор
ўқи, бундай замон йўқдир,
Кўнгилларни ёритдик
маърифатдан моҳи тоб
айлаб.

Шоир Шайхзода «Ўртоқ Навоий» балладасида Навоий образига замонамиз руҳини сингдириб юборган, бу сарлавҳада ҳам ўз ифодасини топгандир:

Сен тинмай юз минглаб
байтлар битгансан,
Адолат ахтариб ўтиб
кетгансан,
Кўзингда гўзалдир фақат
яхшилик,
Ишонгин шу кунда
бўлсайдинг тирик, —
Ленин нишонига буларднинг
сазо,
Олий Советга ҳам
сайлардик аъзо...

Қардош адабиётларда ҳам Навоий образи яратилган кўплаб асарларни учратиш мумкин. Микола Терешченко ўзбек адибларига атаб ёзган «Сўз ва шон» («Гултож») номли сонетларида, жумладан, Навоий образини қаламга олиб ёзади:

Боғда, ариқ бўйларида,
қир қапада ул,
Ҳамма ерда унинг куйи
топмишдир обрў.
Асло тинмас, асрларда
янграб шўх булбул,
Лайли—Мажнун, Фарҳод —
Ширин бизга рўбарў.

Драматургияда Навоийнинг севимли образи шоир Уйғун ва Иззат Султоннинг ижодий ҳамкорликда яратган «Алишер Навоий» драмаси гавдалантирилган. Навоийнинг кўпқиррали образи драмадаги турли-туман воқеа тасвирларида очилиб боради. Томошабинлар Навоий сиймосида «ғазал мулкининг султони» деб мадҳ этилган забардаст шоир, эл-юрт андешалари билан нафас олган илғор тарихий шахс, жамоат ва маданият арбоби ҳаётининг лавҳаларини катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатадилар.

Адабиёт ва санъатда Навоий образини кузатар эканмиз, СССР халқ артистлари Раззоқ Ҳамроев ва Олим Хўжаев намойиш этган шоир сиймосини дан ўта олмаймиз. Рассомлик ва ҳайкалтарошлик санъатида ҳам Навоий образини муваффақиятли яратиб берган санъаткорлар, жумладан, рассом В. Кайдалов маҳоратига қойил қоламиз. Шеърият бўстонида салобат тўкиб турган Навоий ҳайкали қанчалик мароқли бўлса, Навоий номидаги адабиёт музейига таровват бахш этган санъат асарларида мужассамланган Навоий сиймоси ҳам шунчалик ҳайратомуз ва жозибалидир.

Ҳ. ҲОМИДИЙ,
Филология фанлари кандидати.

НОМИНГ ЁДДИР

Эй, Навоий, устози аъзам,
Шеърнинг қанот ёзиб элларда
Бағишлади дилларга кўклам,
Номинг ёддир барча тилларда.
Самарқандда, Аму бўйида,
Фарғонанинг боғларида ҳам,
Ҳур ҳақиқнинг байрам, тўйида
Ғазалларинг жаранглар

Бугун устоз, достонларингни
Фақат бизмас, билади жаҳон.
Қилган орзу-армонларингни
Қадрлади бу озод замон.
Қардош, жондош онлада сен
Меҳмон эмас, фарзандсан улуғ.
Сени Пушкин билан қўйиб тенг
Ўқийди рус халқи ҳам тўлуғ.

Украина ва Гуржистонда
Болтиқ бўйларида номинг ёд.
Шеьринг янграр бутун
жаҳонда
Ҳар хонадон сен билан обод.
Сендан жиндек хотираки бор,—
Жондай азиз бизга, Алишер!

Топсак Париж, Лондондан бир
шеър
Келтирамиз қилиб ифтихор.
Шаҳарлар бор сенинг номингда,
Тошкент марказида ҳайкалинг,
Номинг билан мактаб, кинолар,
Чинни пиёлада ғазалинг.
Ҳа, Навоий деган колхозлар,
Фарҳод-Ширин совхозлари бор.
Ҳар ерки бор сени эслатар,
Оталар шод, мағрур, бахтиёр
Фарзандларин атаб Алишер.
Эй, Навоий, эй улуғ устод
Мана ўзинг бир қара, бир кўр,
Барҳаётсан, мангу барҳаёт!

Юсуф ШОМАНСУР.

БЕКОБОД қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш билим юртининг Оққўрғон районидаги Карл Маркс номли колхоз қошида ташкил қилинган филиалида 28 ўқувчи таълим олмоқда.

СУРАТДА: (ўнгда) ўқитувчи Р. БЕРДИЕРОВ ўқувчилар билан амалий машғулот ўтказмоқда.

Х. Аввалов фотоси.

„ЎЗБЕКИСТОН" ЭКИПАЖИ— ЖУРНАЛИСТЛАР МЕҲМОНИ

Шу кунларда шаҳримизда «Ўзбекистон» теплоходи экипажининг бир группа аъзолари меҳмон бўлиб туришибди. Теплоход коллективининг меҳнати ҳақида республика газеталари кўп марта ҳикоя қилиб берган. Энди уларни журналистлар ўз кўзлари билан кўриб қизғин суҳбатлашдилар.

— Коллективимиз пассажирлар ташиш йиллик планларини доимо муваффақиятли бажариб келмоқдалар, — деди «Ўзбекистон» теплоходи капитани Владимир Михайлович Рева,— ўн йилдирки, коллективимиз ватандошлар ва чет эл туристлари хизматида. Шу давр ичида 250 минг кишини биз турли манзилларга элтиб қўйдик. Теплоходда Ўзбекистон меҳнаткашлари қўлга киритаётган муваффақиятларини кенг пропаганда қилишга, пассажирларга кўрсатаётган маданий хизмат савиясини оширишга алоҳида аҳамият берилапти.

Меҳмон бўлиб келган теплоход касаба союз комитетининг раиси Анатолий Шебаршин, коммунистик меҳнат зарбдори Любовь Яровая ва бошқа ўртоқлар ҳам корабль ҳаётидан қизиқ-қизиқ лавҳалар сўзлаб бердилар. Экипаж аъзолари Ўзбекистонда бир неча кун меҳмон бўлиб республиканинг диққатга сазовор жойларини томоша қиладилар.

ҚАЛАМ СОҲИБЛАРИ ДАВРАСИДА

СССР Олий Советининг депутати, Ленин мукофоти лауреати, машҳур адиб Чингиз Айтметов республикамизда бирнеча кун меҳмон бўлди, ўз китобхонлари, қалам соҳиблари билан учрашди.

Ч. Айтметовнинг ўзбек тилида чиққан «Юзма-юз», «Бўтакўз», «Сомон йўли», «Алвидо, Гулсари», «Жамила», «Сарвиқомат дилбарим», «Оқ кема» (Асл Рашидов таржималари) ва «Биринчи ўқитувчи», (Зайнаб таржимаси) асарлари ўзбек китобхонларининг ҳам севимли китобларига айланган.

Умуман, унинг асарлари дунёдаги 83 хил тилда 10 миллион нусха босилган.

Ўз дўстлари, ўзбек қаламсоҳиблари билан суҳбатда Чингиз Айтметов «Қаноти қайрилмас қушлар» романини туғаллаш олдида турганини ва шу муносабат билан романнинг айрим тарихий боблари учун материал тўплаш ниятида республикамизга ташриф буюрганини айтди.

Ўз навбатида СССР ёзувчилар союзининг секретари, Ўзбекистон ёзувчилар союзи правлениесининг раиси Комил Яшин меҳмонга яқинда Қоҳирада Осиё—Африка ёзувчилари ташкилот комитетининг мажлисида қатнашиб олган таассуротларини ҳикоя қилиб берди.

Суҳбатда Ўзбекистон ёзувчилар союзи правлениеси раиси ўринбосари, Давлат мукофоти лауреати Рамз Бобожон, филология фанлари докторлари Ҳафиз Абдусаматов, Азиз Қаюмов, адабиётшунос-таржимон Асл Рашидов, адабиёт мухлислари — Мурод Шералиев, профессор Шобад Хўжаев қатнашдилар.

Суҳбат охирида Чингиз Айтметов Ўзбекистонда уни самимий кутиб олганликлари, ижодий ишида кўмак кўрсатилаётгани учун ташаккур айтди. Шу билан бирга у Қирғизистонда ўзбек ёзувчиларнинг асарларига қизиқиш катта эканлигини айтди.

Ҳ. ЮСУПОВ.

ЮЛДУЗЛАР ОШИҒИ

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

— Ҳа, у ҳақиқий ошиқ. Ошиқ бўлганда ҳам беқарор ошиқлардан, — деб кулди бўлим бошлиғи. — Ердаги юлдузларни севади. Умрининг ярмидан кўпини ер юлдузи — пахтага бағишлади. Бу соҳани ривожлантиришнинг муҳим омилларини билади. Фақат бўлимимиз-да эмас, совхозимизда ҳам машъал ҳисобланади.

Бўлим бошлиғи Мажид Шейхов у ҳақида берилиб, ғурур ва севинч билан гапирарди. Чинданам Уринбой аканинг ҳаёти афсонага ўхшайди.

— Олтин ўтда, одам меҳнатда синалади. Бу ҳикматли сўз бежиз айтилмаган, албатта. Ҳар ким ҳам ишлайвериши мумкин. Лекин, ишлашнинг ҳам ишлаши бўлади. Қўл учида ишлаб, ҳеч нарсага эга бўлолмаганларни ҳам кўрдик. Мубораков улар хилидан эмас. Бир ишга киришдими, охирига етказади. Коммунист тадбиркор, изланувчан, ғайратли бўлмоғи керак. Бизнинг Мубораковимизда шу хислатлар мужассам. У бир ишга киришадиган бўлса олдин пухта ўйлаб кўради. Ишда палапартишликни ёқтирмайди. Шундай фазилатлари билан ҳам кўпчилик ҳурматини қозонди. Унга эргашган бригада аҳли ҳосилдорлик бўйича совхозда пешқадамликни қўлдан бермай келаётир.

Мажид ака бир лаҳза деразага тикилиб, хаёлга толди. Ўринбой Мубораков ютуқларининг қай бирини айтишни ўйлаяпти, чоғи.

— Бир йили тоза жаҳлимизни чиқарган. Ўйлаб кўрмай, уни анча ранжитиб қўйган эдим. Кейин билсам, унинг «ўжар»лигида гап кўп экан. Яхшиси, ўша воқеани айтиб берақолай.

Бундан олти йил илгари баҳор анча серёмғир келди. Ер экиш учун эндигина тайёрланганда қаттиқ ёмғир бўлди. Қайтадан ерларга борона босилди, чигит экилди. Ишларини бир кўрай, деб Мубораков бригадасига борсам, тракторлар пахта майдонларини бороналаётир. Экиш эса ҳали бошланмаган. Ҳамма далаларимизда уруғ экиш қизғин тус олган бир пайтда бу бригададаги ўзбошимчаликни кўриб, аччиғландим. У бўлса менинг таъналаримдан гўё хафа бўлмаётгандай, хотиржам кулимсираб турарди:

— Ер қизиса, экишни бошлаймиз. Яна икки кундан кейин, — деди вазминлик билан.

— Шошишнинг нима кераги бор? Ёмғир кўп ёғаяпти. Тупроқда етарли ҳарорат бўлмаса, уруғни экиб бўладими?

— Қўшни бригадаларнинг пахтачиликдаги тажрибаси сизникидан кўп бўлса кўп-ки, кам эмас. Эртага улар экиш мавсумига нуқта қўядилар. Қараб турибсизки, ташвишдан қутулиб бемалол юришади.

— Менимча, ташвишдан қутуламан, деб охирни ўйламаслик бир куни панд беради. Кейин шошқалоқлик билан амалга оширган ишнинг нафи тегмайди. Бизни экишни тугатинглар, деб зўрламанглар. Натижасини кутиш керак. Бу менинг эмас, балки бригада ишчиларининг фикри. Ҳа, бригадамизда пахтачилик илмини биладиганлар кўп.

Хуллас у айтганини қилди. Орадан икки кун ўтар-ўтмас сел бўлди. Ерлар қатқалоққа айланди. Сойлик жойлар лойқага тўлди. Бўлимимиз анчагина зарарланди. Чигит экишни у бўлимда энг кейин бошлади. Унинг бригадаси карталарида ниҳоллар қисқа муддатда кўринди. Ҳа, бошқа бригадаларникига қараганда уларники соғлом ва хатосиз унди. Ўша йили бўлимда биринчи марта, Ўринбой Мубораков бригадасида 28 центнер пахта етиштирилди.

Ҳанузгача моҳир бригада бошлиғи Мубораковнинг тадбирини қўллаб келмоқдамиз. Уруғликни биз ер нормал ҳолда қизигандагина экамиз. Яхши натижаларга эришяпмиз. Кейинги тўрт йил ичида бўлимимизда ҳосилдорлик 8 центнерга ортди.

Эшик очилди. Эгнига банорас тўн, бошига чуст дўппи кийган, сочи устара билан олинган киши кириб келди. Унинг кўринишидан суҳбатижон одам эди.

— Келинг, Уринбой, — бўлим бошлиғи ўрнидан турди.

Қаршимизда оддийгина, қўйкўз, кетмонда кўп ишлаганидан бўлса керак, қўллари қадоқ киши ўтирибди. Ўринбой ака билан суҳбатлашдик. У мақсадимизни билгач:

— Мақтаниш бўлмасмикан? — деди бироз қизариб. — Ахир ишлаш ҳар кимнинг ҳам бурчида. Қолаверса, бу ишларни бригада аҳли амалга ошираётир.

Бригадада асосан ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Карталар яхлитланди. Унумдорликни ошириш учун маҳаллий минерал ўғитлар солинди. Кузда ҳайдовдан сўнг бегона ўтлар томири терилди.

Йил сайин ҳосил ортгач, даромад кўпаяверди. Бу фикримизни исботлаш учун қуйидаги фактларни келтирмоқчимиз:

Мавлуда Жамолова — бригаданинг илғор теримчиси. У 1971 йили 700 сўм қўшимча ҳақ олган эди. Ўтган юбилей йилида 817 сўм қўшимча ҳақ олди. Бригада сувчиларининг ўртача ойлик маошлари 195—200 сўмни ташкил қилган бўлса, звено етакчилариники 240—250 сўмга тўғри келди.

Булар ҳаммаси техника кучидан, вақтдан унумли фойдаланиш ҳисобига эришиляпти.

Ўтган йили бригада ишчилари 110 гектар ерда деҳқончилик қилдилар. Звено бошлиқларидан Сумбой Тошматов, Музаддин Шоазимовлар коммунистчасига ишладилар. Улар пахта йиғим-теримида ҳам жонбозлик кўрсатдилар.

Республикада хизмат кўрсатган механизатор-звено бошлиғи Сумбой Тошматов «пўлат этак»дан 200 тонна дурдона тўкди. «Шавкатли меҳнати учун» медали кавалери Мавлуда Жамолова 12 тонна пахта териб олди.

— Шуниси қувончлики, — дейди У Мубораков, — кейинги тўрт йил ичида бригадамиз анча илғорлашиб кетди. Ҳосилдорлик 14 центнерга кўтарилди. Бир центнер пахтанинг таннархи 8 сўмга арзонлашди. Юбилей йилида ҳар гектар ердан 35,5 центнердан ҳосил етиштирилган бўлса, бу кўрсаткич ўтган йили 38,4 центнер бўлишига эришилди.

Ўринбой пахтакор сифатида райондагина эмас, областда ҳам танилган. Ундан кўпинча звено бошлиқлари, бригадирлар маслаҳат олиб туришади, у ҳам ўз ҳамкасбларидан билганларини аямайди.

— Ерларимизнинг ҳар гектарига 300 килограммдан аммофос, 2—2,5 тоннадан маҳаллий ўғит солиб чиқдик, — дейди бригадир. — Янги беш йилликнинг тўртинчи йилида режаларимиз катта: ҳосилдорликни эллик центнерга етказиш. Аҳдимизни бажариш учун барча имкониятларимиз бор.

Ўринбой ака бахтини даладан топди. У ерга меҳр қўйиб, ҳар бир қаричини қадрлади. Саховатли ер ҳам саҳийлигини аямади. Ерни ишлаган билар, белни пешлаган, деганларидай, тупроқни унумдор ёки унумсизлигини кафтига олиб ажрата билади.

Мубораков — Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери. Беш йилликнинг учинчи йилида ҳам у мўлжалдан кўпроқ ҳосил кўтариб, мусобақада яхши кўрсаткичларга эришди. Олган социалистик мажбуриятини ошириб бажариб, пахта етиштиришда жасорат кўрсатди.

Партия ва ҳукуматимиз Пискент районидаги 1-«Пискент» совхозининг бригада бошлиғи Ўринбой ака Мубораковнинг пахтачиликдаги катта ғалабасини муносиб тақдирлади. У яқинда Ленин ордени билан мукофотланди.

Э. ХАБИЯЛИЕВ,
М. АҲМЕДОВ.

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

ОҚИЛОНА ДАЪВАТ

ВАШИНГТОН, 7 февраль. (ТАСС). Кубани яккалаб қўйиш сиёсатининг путури кетди ва бу сиёсат АҚШ ҳамда бутун ғарбий ярим шар манфаатларига мос келмай қолди, деди сенатор Э. Кеннеди. У сенатда нутқ сўзлаб қуйидагиларни таъкидлади: бу сиёсат пировардида ўзимизнинг яккаланиб қолишимизга олиб келиши мумкин. Латин Америкасидаги тўққиз мамлакат Куба билан иқтисодий алоқани қайта тиклади, қитъадаги олти мамлакат эса Куба билан нормал дипломатия муносабатлари ўрнатган. Куба АҚШнинг ғарбий Европадаги кўпгина иттифоқчилари билан савдо-сотиқни кенгайтирмоқда.

Э. Кеннеди АҚШ ҳукуматини Куба билан муносабатларни нормаллаштириш процессини бошлашга даъват этди.

ОРОЛНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

НЬЮ-ЙОРК, 7 февраль. (ТАСС). Бугун Гренада ороли мустақиллигини тантанали эълон қилиш маросими бўлди. Оролнинг маъмурий маркази Сент-Жоржес шаҳрида янги мустақил давлат байроғи кўтарилди.

Кичик Антил ороллари архипелагидаги чоғроқ орол—Гренада Кариб денгизининг жануби-шарқий қисмида жойлашган. У икки асрдан кўпроқ вақт мобайнида амалда Британия тожининг мустамлакаси бўлиб қолди. Гренада аҳолиси кўп йиллардан бери олиб бораётган кураш Англия парламентини орол мустақиллигини эътироф этишга мажбур қилди.

ФОН ТАДДЕН СОЛЖЕНИЦИННИ МАҚТАМОҚДА

БОНН, 6 февраль. (ТАСС). Янги нацистлар партиясининг раҳбарларидан бири Адольф Фон Тадден национал-демократик партияга қарашли «Дойче Вохен-Цайтунг» газетасида Солженицинга бағишлаган катта мақола чиқарди.

Фон Тадден советларга бўҳтон ёғдираётган туҳматчини оғиз кўпиртириб мақтаган. Солженициннинг навбатдаги бачкана асарини «Муҳим ва ҳатто аъло» асар, деб таърифлаган. Фон Тадденнинг айтишича, Солженицин «бутун дунёдаги сўл кучларга» қарши чиқаётганлиги унинг «фазилатлари»дан бири эмиш.

«Дойче Вохен-Цайтунг» газетасидаги мақола шундан далолат берадики, янги нацистлар Солженицинни, Фон Тадден ибораси билан айтганда, «биринчи даражали сиёсий омил» деб билмоқдалар.

„ДУНЁ ТОМИ"ГА

БОНН, 7 февраль. (ТАСС). Ғарбий германиялик ёзувчи ва альпинист Герхард Лензер «дунё томи» —Ҳималайга экспедиция уюштирди. Экспедиция составига 7 киши киради. Улар ҳали инсон қадами етмаган яна иккита чўққи—етти минг метрлик ва саккиз минг метрлик чўққиларни забт этишни мўлжаллашмоқда. Экспедиция 25 февралда Непал пойтахти Катмандудан жўнаб кетди. Чўққиларга чиқиш 4 ой давом этади.

Лензер Ҳималайга еттинчи марта йўл олди.

ШАҲАР СОТИЛАДИ

Аляскада «олтин васвасаси» даврида вужудга келган Кантуэл шаҳри сотилади. Рақобатда синган хўжайини Херманн Коттер уни арзон нархда — 750 минг долларга сотажагини маълум қилиб, ота-бобосидан мерос қолган мулкини қуйидагича тавсифлайди: Кантуэлда коттежлар, ресторанлар, иккита бензин қуйиш колонкаси, икки юз ўринлик меҳмонхона мавжуд. Фақат почта идораси билан шаҳар чеккасидан ўтган темир йўл тармоғи сотилмайди. Чунки, у давлатга қарашлидир...

Бинобарин, почта билан темир йўл ўзини оқламаётганлиги сабабли давлат ҳам Коттер изидан борса ажаб эмас...

ТЕЖАДИ...

Генерал Аллен АҚШ тактик авиация қўмондонлиги штабидан Пентагонга — йиғилишга вертолётда учиб келди. Тўғри, штаб-квартирадан Потомакдаги беш қиррали биногача бўлган масофа бор-йўғи 16 километр. Лекин Америкада чиқадиган газеталарнинг таъкидлашича, оддий автомобилдан воз кечган генерал чорак соатни тежашга муваффақ бўлди-ю, лекин бунда одатда сарфланадиган икки-уч литр бензин ўрнига 200 литр ёнилғи исроф этилди. Арзимайди ғалваси, қуйидаги дахмазаси деганларича бор экан. Пентагондаги йиғилиш эса шу куннинг энг долзарб масаласига — энергия қаҳатчилиги муносабати билан ёнилғини тежаш планини ишлаб чиқишга бағишланган экан.

1700 ЙИЛ ИЛГАРИ КИШИЛАР ҚАНДАЙ КАСАЛЛИК БИЛАН ОҒРИШГАН

Мексикадаги Миллий антропология ва тарих институти ходимлари Сан-Хуан Теотиуакан районида йирик бир қабрни аниқладилар. Бундан 1700 йил муқаддам яшаган кишилар қолдиқларини ўрганган антропологлар бу ерда аҳоли ўртасида бод ва турли хил абсцессалар кенг тарқалганини аниқлашди. Айни вақтда олимлар қадимги замон даволаш маданиятининг юксак даражада эканлигини ҳам тан олдилар. Жумладан, мия қопқоғи ҳамда суякларни тиклаш операциялари излари аниқланди.

НАБИРАЛАР КЎЗИНИ ЎЙНАТИБ

Етмиш яшар Нора Гроукоттнинг севимли транспорти уч ғилдиракли велосипеддир. У ҳар куни велосипедда завқ билан сайр этади. Масала шундаки, англиялик фирмалардан бири ёши кексайганлар учун (икки ғилдиракли велосипедда улар мувозанатни сақлашга қурбилари етмайди), уч ғилдиракли велосипедлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда. Нора Гроукотт эса фирмада «синовчи» вазифасида ишлаб, янги велосипедларни бирма-бир ҳайдаб чиқади.

АДВОКАТ ЁЛЛАШ МАҚСАДИДА

Аргентинанинг Росарио шаҳри полицияси бадавлат корхона эгасининг уйини ўғирламоқчи бўлган Хуан Лопес деган шахсни қўлга олди. Лопес судда ўз айбига тўла иқрор бўлди, лекин айрим сабабларга кўра айбини «юмшатишларини» сўради. Лопес пул ўмармоқчи бўлган. Пулга эса адвокат ёлламоқчи эди. Адвокат эса бошқа квартирани ўғирлашда иштирок этгани учун суд жараёнида Лопесни ҳимоя қилиши лозим эди.

(АПН).

«МАРФИНО» сабзавотчилик совхозида Германия Демократик Республикасидан сотиб олинган янги теплицани йиғув ишлари давом этмоқда. Бу Иттифоқимизда ягона ҳисобланган теплица 3200 квадрат метр майдонга эга бўлиб, 4 та блокдан иборатдир. Теплица биринчи кварталдаёқ маҳсулот бера бошлайди.

В. Кунов фотоси. ТАСС фотохроникаси.

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН

Кичкинтойларни хурсанд қилиш, уларнинг кўнглини хушнуд этиш қўғирчоқ театри коллективининг зиммасига юклатилган. Коллектив ўз репертуарларига дўстлик, меҳнатсеварлик, олижанҳоблик туйғулари билан суғорилган асарларни киритиб, дўмбоқларимизни Ватанга муҳаббат, халққа ҳурмат руҳида тарбиялашга ҳаракат қилмоқда.

Коллектив Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига бағишлаб кўпгина саҳна асарлари қўйишни планлаштирган. «Сеҳрли чаноқча» деб номланган асар «оқ олтин»имиз ҳақида ҳикоя қилади. Пахта йиғим-терими вақтида болалар ота-оналарига кўрсатаётган ёрдами ифода этилади.

Болалар шоири ва драматурги Шукур Саъдулланинг қатор асарлари ҳам саҳналаштирилмоқда. Яқинда унинг «Полвон Качал» асарини намойиш қиладилар. Шунингдек улуғ рус шоири А. С. Пушкин эртаклари асосида ҳам, саҳналаштирилган театрларни кўриш мумкин.

Театр коллективи биргина пойтахт кичкинтойларига эмас, республикамизнинг жуда кўп областларига ҳам бориб дўмбоқлар дилларини хушнуд этиб келмоқдалар. Яқинда ёш томошабинлар «Лайлакча ва қоровул» спектаклини томоша қиладилар.

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ темир йўлчилар маданият саройида бир неча кун мобайнида республика профессионал союзлари ҳаваскорларининг кўриклари бўлиб ўтди. Суратда: кўрикда учинчи ўринни эгаллаган Тошкентдаги В. И. Ленин номли Ленин орденли электрон техника заводи агитбригадасини кўриб турибсиз.

Б. Шамсутдинов фотоси, (ЎзТАГ).

САҲНАДА ДИПЛОМ СПЕКТАКЛИ

Тошкент маданий-оқартув техникуми театр группасининг битирувчилари диплом ишлари сифатида Зиннат Фатхуллин ва Шукур Саъдулланинг «Ватан ишқи» драмасини саҳнага қўйдилар. «Еш гвардия» драма театрида қўйилган бу спектакль томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Бу олқишлар техникум талабаларининг тинимсиз изланишлари эвазига берилган муносиб баҳодир. Бу студентларга уч йиллик ўқиш, ўрганиш давомида актёрлик санъати сирларини ўргатган устозлари А. Дадаев, Н. Нурмуҳамедовларнинг ижодий меҳнатининг яхши самарасидир. Яқин кунлар ичида мазкур спектакль телевидение орқали намойиш этилади.



Суратда: «Ватан ишқи» спектаклидан кўриниш. (Чапдан) Нарзи: Мунира Хайирова, Зулфия: Қурбоной Турсунова, Каримжон: Муҳаммад Исмоилов ва Субҳонқул: ролида Қўшмурод Бекназаров.

Ҳ Ҳакимов фотоси.

Спорт

РЕСПУБЛИКАНИНГ ЭНГ ЯХШИ ТРЕНЕРЛАРИ

Республикамиз спортчилари ўтган йили жаҳон, Европа Совет Иттифоқи чемпионатларида ва бошқа мусобақаларда 28 та олтин, 30 та кумуш ва 19 та бронза медалини қўлга киритдилар. Айрим спортчиларимиз мамлакат чемпиони бўлишди. Бундай ютуққа эришишда албатта биринчи галда ана шу спортчилар тренерларининг машаққатли меҳнатини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Яқинда республика спорт комитети 10 та энг яхши тренерни аниқлади. Булар альпинист В. Элчибеков, боксчилар устози Б. Норкин, велосипедчи М. Тўйчиева, сув полоси бўйича тренер В. Тутушкин, академик қайиқ ҳайдаш спорт мастери В. Васьков, чавандозлар сардори М. Исмоилов, курашчилар устози Р. Аблаев, мерганлик бўйича катта тренер В. Павлюкевич, сузиш бўйича республикада хизмат кўрсатган тренер В. Манин ва Ўзбекистон физкультура институтининг катта ўқитувчиси, енгил атлетикачи Г. Арзумановлардир. Энг яхши деб топилган бу тренерлар республика спорт комитетининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланишди.

ИККИНЧИ ТУР БОШЛАНДИ

Кеча Челябинск шаҳрида мамлакат биринчилиги учун «А» класси олий лигасида қатнашаётган волейболчилар ўртасида иккинчи давра ўйинлари бошланди. Бу мусобақада республикамиз спорт шарафини «Автомобилист» (Тошкент) командаси ҳимоя қилмоқда. Волейболчиларимиз Кишинев шаҳрида ўтказилган биринчи тур ўйинларда бирмунча муваффақиятсиз қатнашиб, икки очко олишган эди.

Челябинскда ҳамшаҳарларимиз Ленинграднинг «Буревестник», Бокунинг «Нефтчи», Ленинграднинг «Спартак», Донецкнинг «Автомобилист», Москванинг Марказий армия спорт клуби ҳамда Одессанинг медицина институти командалари билан беллашади.

„ЖАРАНГ-ЖУРУНГ“

Дўстим! Негадир сенга икки энлик хат ёзгим келиб қолди. Гоҳ-гоҳ хафа бўлиб кетаман. Дунёда ҳар тоифа одамлар бўлар экан. Бир хил одамлардан ҳар қанча айланиб-ўргилсанг ҳам оз. Бундай одамлар атрофида нималар бўлаётгани билан ишлари йўқ, ўзингни бил, ўзгани қўй» деб, парвойи палак кетаверадилар. Қани энди ҳамма одамлар шунақа бўлса!

Лекин, бир хил одамлар бор — қилдан қийиқ топиб, дарров аюҳаннос соладилар. Пашшадан фил ясаб, бир зумда оқ юзингга қора суртиб қўядилар. Ишонмасанг, оғайни мана бу гапга қулоқ сол.

Ўзингга маълум, мен сен билан Тошкент—Тўйтепа ўртасида қатнайдиган маршрутда шофёрлик қиламан. Ишим чакки эмас, нолийдиган жойим йўқ. Маршрутнинг у бошидан бу бошига етгунча чўнтак лиқ тўлиб қолганлигини ҳам сезмай қоласан. Ҳар куни 25—30 сўм чой пули жаранг-журунг тушиб турса, кимни қорни оғрийди, дейсан.

Анаву куни дегин, машинам экспресс бўлса ҳам йўлларда тўхтаб, қўл кўтарганларни олавердим. Бу сафарги ишим чакки бўлмади, деб, эсон-омон Скверга келиб чўнтакдаги тангаларни олишга қўл узатишимни биламан. Бирдан жамоатчи контролёрлар пайдо бўлиб, билет олган-олмаганларни текшира бошлашди. Ўн кишига билет сотилган, 18 киши билетсиз.

— Хўш, — деди контролёр, — 9 сўм қани?

— Қанақа 9 сўм?

— 18 киши Тўйтепадан Тошкентга келгунча 50 тийиндан тўлаган бўлса, жами неча сўм бўлади?

Дарров баҳона қилдим:

— Улар ярим йўлдан чиқишди.

— Нега экспрессни йўлда тўхтатдингиз? Сизга ким ҳуқуқ берди?

Хуллас, гангитиб қўйишди. Гап шу билан тамом бўлар, десам акт ёзишга тушишди. «Пулни кассага тўланг» дейишганди, зарда билан шартта машинага ўтириб, изимга жўнаб қолдим. Улар актни роса боплаб ёзишибди. Унда мендан бўлак «29—90» рақамли машина ҳайдовчиси О. Ҳафизов, «41—65» рақамли машина ҳайдовчиси М. Каримов, «33—63» рақамли машина ҳайдовчиси В. Е. Зиновьев, «36—85» рақамли машина ҳайдовчиси Х. Комилов ва сенинг фамилиянг бор.

Азаматлар 12—13 пассажирдан пул олиб, билет беришмабди.

Бунақа текширадиганларга қулоқ солинадиган бўлса, тирикчилик қилиб бўладими? Унақалар кўп. Бизнинг Тўйтепа автобазасининг бошлиғи Яков Григорьевич Гивинко сингари пуштипаноҳимиз, суянган тоғимиз бор. У киши омон бўлсалар, сен билан бизга гард юқтирмайди. Шуни ҳисобга ол, кўнглинг тўқ бўлсин.

Салом билан, Тўйтепадаги пассажирлар ташиш автопаркининг шофери

И. ВАСИЛЬЧЕНКО.

Шофернинг салом хатини оққа кўчирувчи:

З. ГУМИРОВ.

БАЛИҚЧИНИНГ ҲАСРАТИ

Қўйлиқдаги чойхонага мўйловдор, барваста одам кириб келди. У лаққа балиқлардан тўрттасининг бурнидан хивич ўтказиб олган.

Чойхоначи патнисда икки дона кулча нон, беш-олти чақмоқ қант билан чой келтириб қўйди ва ҳалиги одамнинг ёнига келиб ўтиради.

— Меҳмон, булар Сирникими? — сўради балиқчидан чойхоначи.

— Сирники ҳам, Амуники ҳам эмас, Оққўрғонники. Ўзимизнинг қўлбола балиқлар,

— Қойил, зап балиқлар эканда! — дейди чойхоначи суқланиб қараб.

— Шаҳар меҳнаткашларига шундай тирик балиқ етказиб бераётганимиз учун ҳамма қойил, хурсанд. Бироқ, айрим савдо идораларида ўтирган баъзи ўртоқлар бунинг қадрига етмаётганлигидан хафамизда. ука! — Касбим балиқчи. Бу ишни ёшлигимдан яхши кўраман. Ўзи ҳам гаштли касб-да! Меҳнаткашнинг гамгузорини излаб, Тошкентга келяпман, — гапини давом эттирди, балиқчи, — агар гапларимга обдон қулоқ осадиган шаҳар савдо маҳкамасидан бирор ўртоқни топсам, мана шу балиқларни қовуриб бераман. Оғзида мазаси қолмаса, балиқчиликни тарк этмаган номард!

— Нега бунчалик фиғонсиз? — гап қотади кимдир.

— Фиғон бўламанда, — янада жиддийроқ тусга киради балиқчи,— ўзингиз ўйлаб кўринг! Шаҳар аҳолисини тирик балиқлар билан таъминлаб туриш мақсадида ўтган йили Оққўрғон районида махсус балиқчилик хўжалиги ташкил этилди. Мана шу кумуш тангали балиқларнинг уруғи Узоқ Шарқ ўлкасидан келтирилган. Совуқ иқлимда яшайдиган жониворларни серқуёш ўлканинг ҳароратига мослаштириб кўпайтиришнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун озмунча иш қилинмади. Қишлоқ меҳнаткашлари оғирини енгил қилаётган шаҳарлик биродарларимиз кўнглини олиб, дилларини хушнуд этсак, ўзимизни бахтиёр, деб ҳисоблаймиз. Шу эзгу мақсадда ўтган зарбдор йили зўр ғайрат кўрсатиб ишладик. Комбинатимиз балиқчилари катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Масалан, Неъматулла Абдулин бошлиқ звено балиқчиларининг етиштирган тирик балиқчалари ҳовузнинг ҳар гектар сатҳига 63 центнердан тўғри келди. Бу Иттифоқимизда рекорд кўрсатгичдир. Ана шу балиқларни тирик ҳолда пойтахт меҳнаткашларига етказиб берганимизда, харидорларнинг қувончини кўриб, кўнглимиз тоғдек кўтарилган эди. Шундай тирик балиқлар билан савдо қилувчи магазинлар гавжум бўларди. Айниқса, уй бекаларининг хурсандлигини айтмайсизми?

Талаб катталигини пайқаб, биз балиқчилар ҳам роса тер тўкиб ишладик. Лекин, оқибат-натижа кутганимиздек бўлиб чиқмади. Аҳолининг тирик балиққа бўлган талаби катталигига қарамай, савдо тармоқларига юборилган балиқлар қайтиб кела бошлади. Масалан, бултур кузда 16 тонна тирик балиқнинг цистернали автомашиналарда шаҳардан қайтиб келганини ўз кўзим билан кўрдим. Шаҳар кезиб келган балиқлар автоцистернадан ҳовузга ағдарилган эди. бир қисмининг сувдан қорни осмонга ўгирилиб қалқиб чиқди. Хўрлигим келиб, бўғилдим. Суриштириб билсам бунда шаҳар савдо бошқармасидаги баъзи ўртоқларнинг айби бор экан.

Шаҳарда тирик балиқ билан савдо қилувчи махсус магазинлар ҳамда магазинлар қошида махсус кислородланган темир-бетон ҳовузлар ташкил қилишга яхши эътибор берилмаган. Масалан, металл ҳовузларга келтириб ташланган балиқлар кислороднинг етишмаслиги сабабли бир-икки соат ичида қорнини осмонга кўтариб, сув юзига чиқиб қолади. Буни кўрган харидор юз ўгириб кетаверган. Шуни ҳам айтиш керакки, тирик балиқ билан савдо қилиш баъзи жойларда яхши ташкил этилган. «Светлана», 33-гастроном магазинларида, «Олой» ва «Октябрь» колхоз бозорларида бу иш яхши йўлга қўйилган. Сотувчиларга қулайлик яратилган, эртадан-кечгача тирик балиқ атрофида харидорлар гавжум. Лекин, Чилонзор, Киров райпишчеторгларининг раҳбарлари бу масалага панжа орасидан қараётганга ўхшайди.

Фрунзе, Ленин, Октябрь районларидаги умумий овқатланиш тармоқлари, кўпгина ошхоналар балиқдан яхши фойдаланишмоқда, Айниқса, «Тошкент» ресторанидаги моҳир ошпазлар тирик балиқлардан турли хил лаззатли ва тўйимли таомлар тайёрлашиб, хўрандаларни хушнуд этишяпти.

Бироқ, баъзи савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари биз, балиқчиларни ранжитяпти. Шунинг учун етиштирган тирик балиқларимизни ўтган йилнинг кузагида бошқа шаҳарларга жўната бошладик. Бундан ташвишланган шаҳар савдо бошқармаси ҳамда умумий овқатланиш трестидаги ўртоқлар республика балиқ хўжалиги бошқармасига бизни кечирасизлар, бундан кейин тирик балиқлар билан савдо қилишни йўлга қўямиз деган мазмунда хат ёзишди. Шунга мувофиқ биз балиқчилар яна кўпроқ тирик балиқлар тутиб, Тошкентга келтира бошладик.

Афсуски, юқорида айтилганидек тирик балиқлар билан савдо қилиш учун етарли шарт-шароит яратилмаганлиги туфайли бу соҳада силжиш бўлгани йўқ. Энди бу ҳақда савдо бошқармаси ва умумий овқатланиш трестидаги ўртоқлар жиддий бош қотириб кўришлари зарур.

Балиқчининг ҳасратини оққа кўчирувчи

Д. ПОЛЕВОИ.

СОҚОВ РАДИОКАРНАЙЛАР

Янгийўл районидаги Назарали Ниёзов номли колхознинг «Большевик» участкасида бир маҳал радио карнайларининг ёқимли овози баралла янграб турарди.

Бундан икки йил муқаддам участкадаги электр сим ёғочлари эскириб қолганлиги учун янгиланди. Хонадонларнинг уйлари янада чароғон бўлди. Лекин симёғочларга ўрнатилган радио симлари эса узиб ташланиб, янги симёғочларга тортилмай кетаверилган. Натижада хозирда юздан ортиқ хонадондаги радио карнайлари «соқов» бўлиб қолди. Бу ҳақда қишлоқ меҳнаткашларининг вакиллари район алоқа бўлимидаги ўртоқларга бир неча бор мурожаат қилишди. Улар бу ишни шаҳар алоқа бўлими бажаради деб, қайтаришса, у ердаги ўртоқлар эса бу вазифани район алоқа бўлимига ағдаришади.

Участкамиз район территориясида бўлганлиги учун биз район алоқа бўлимининг мудири ўртоқ Кўчқоралиевни танийміз. Шунинг учун ундан бироз хафамиз. Нега десангиз бу «соқов» радиокарнайларга тил киритишни икки йилдан бери пайсалга солиб, резинкадай чўзиб келяпти-да.

Дўстим «Чақмоқ», шу хусусда андек туртиб қўйсанг, шояд бу Ҳасан-Хусан ташкилотларда ўтирган ўртоқлар муқим бир фикрга келишиб, радио карнайларини даволаб, тилга киритишса, сендан беҳад хурсанд бўлардим.

Салом билан янгийўллик мухлисинг

УҚУБИИ.

АКТ

(ИНТЕРМЕДИЯ)

МУДИР. — Хўш, шу кунгача қанча тухум олдик?

ТОВУҚ БОҚАР. — Охирги ўн кунликни ҳам ҳисобга олсак, йигирма минг дона.

МУДИР. — **(Тутақиб)** — Нима? Мени калака қиляпсизми? Ахир фермамизда бир ярим мингдан ортиқ товуқ бўлсаю, бир кварталда бор йўғи йигирма мингта тухум олсак. Бу аҳволда план нима бўлади?

ТОВУҚ БОҚАР. — Мен нима қилай, товуқлар тухум қилишмаса?

МУДИР — Гапингизга тушинмадим. Нега энди тухум қилишмас экан?

ТОВУҚ БОҚАР — Билмасам. Бир неча ойдирки минорка, сариқмашак, гултожи, олачипор умуман тухум қилмай қўйишган.

МУДИР — Шунақа дегин?

ТОВУҚ БОҚАР — Ўзлари тухум қилишмагани-қилишмаган, бошқа товуқларни ҳам йўлдан уришяпти. Натижада бир талай товуқ тухум қилишдан бош товлади.

МУДИР — Мен уларга бош товлашни кўрсатиб қўяман. Мен мудирлик қилаётган колхоз паррандачилик фермасида, товуқларнинг ўзбошимчалик қилишларига йўл қўймайман. Уларнинг гўштларини бурда-бурда қилиб ташлайман. Йўқ, бу жазо ҳам уларга оз. Териларига сомон тиқиб, мактаб музейига топшираман. Сенларни, гаҳ деганда қўлга туҳум қўядиган бўлмагунларингча тинч қўймайман.

ТОВУҚ БОҚАР — Рухсат этсангиз, менда бир таклиф бор.

МУДИР — Хўш?

ТОВУҚ БОҚАР — Менимча, бир-иккита товуқни жазолаш керак, токи, бошқалар учун ўрнак бўлсин.

МУДИР — Жазолаш керак?

ТОВУҚ БОҚАР — Худди шундай, минорка, гултожи ва уларнинг шерикларини бошқа товуқлар кўзи олдида биттадан патини юлиш керак. Бу аҳволни кўрган бошқа товуқлар тухум қилмасак бизнинг ҳам бошимизга шунақа қора кун келади, деб ўйлаб кетма-кет тухум қилаверади.

МУДИР — Э, ақлингга балли! Айтгандай, жазолангaнларнинг устидан акт тузиш эсингдан чиқмасин. Уқдингми?

ТОВУҚ БОҚАР — **(Хурсанд).** Яшаворинг, мудир ака! Уларга энг оғир жазо — акт. **(Мудир чиқиб кетади).** Акт деган нарса ғаройиб-да! Товуқларнинг томоғидан бўғизлайди, аканг қарағайларнинг жиғилдонини мойлайди. **(Ҳиргойи қилади).** Актжон-ей, акт... Акт-факт... **(Бирдан чўчиб).** Актга борману, фактга тобим йўқ-да...

М. ТУРАБЕКОВ.

РАССОМ ХАНДАСИ



Изоҳнинг ҳожати йўқ.

— Рўзвон хола, хонани йиғиштирганингизда мана бу шахматни бузиб юборманг, эртага келиб давом эттирамиз.

А. Ҳакимов чизган расмлар.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Қўғирчоқ фильм. 10.20— Экран ҳандаси. 11.00 — МОСКВА. 11.10 — Болалар учун кўрсатув. 11.40 — СССР ва АҚШ терма командалари ўртасида эркин кураш бўйича халқаро ўртоқлик учрашуви. 12.00 — Мультфильм. 12.35 — Николай Островский. 13.00 — Концерт. 13.35 —Ота-оналар, сизлар учун. 14.05 —Экран дўстларни чорлайди. 14.50 —СССР гражданавиацияси министри Б. П. Бугаев саволларингизга жавоб беради. 15.20 — Концерт. 15.30— «Здоровье». 16.00 — **Жальма** (бадиий фильм). 17.00 — **Хоккей: ЦСКА—«ХИМИК».** 19.15 — ТОШКЕНТ. 19.20 — Мультфильм. 19.35 — «Ахборот». 19.50 — Ўн минут музика. 20.00 — «Ахборот». 20.20 — «ТАЪЗИМ». 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — **Анна Каренина** (бадиий фильмнинг 1-серияси). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 18.00 — Бадиий фильм. 19.15 — МОСКВА. Ҳайвонот оламида. 20.15 — «Шеърият», 20.30 —Кинопанорама. 22.00 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 22.30—Телеспектакль. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 16.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 9|II да **Бир саҳнали балет, Кармен-сюита, «Ойимқиз ва безори».** — 10/II да **Флория Тоска** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9|II да **Шоҳ Эдип,** 10|II да **Олтин девор** (кундузи), **Оқшомдан тушгача** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 9/II да **Хонума хонум,** 10/II да **Ужарлар** (кундузи), **Ҳижрон** (кечқурун).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЕШ ГВАРДИЯ ДРАМА ТЕАТРИДА—9|II да **Ташвишланманг онажон** (15.00), **Беш кунлик куёв** (19.00). 10|II да **Ташвишланманг онажон** (12.00), **Биринчи бўса** (19.00).

КИНО

Шаҳарлар ва йиллар — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Ёмғир ёғди, излар ювилди — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Дайди (16.00, 17.00, 20.00), **Уч юз спартанлик** (10.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 19.00, 21.00), «СПУТНИК».

Тошдаги достон — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Тилла зирак — А. НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Уч мушкетёр — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Иссиқ қор — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Севги анатомияси — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Катта сайр, Самовий саргузаштлар (13.00, 14.00, 15.00, 21.00) — «МОСКВА».

Ҳамза район пишчеторги коллективи, партия ва касаба союз ташкилоти торг ходими А. Абдураҳмоновга рафиқаси Маъфура АБДУРАҲМОНОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, „Правда Востока“ кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — B36495. Редактор ўринбосарлари — B35885, B37916. Масъул секретарь — B34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — B31936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — B33786. Партия турмуши, ахборот ва спорт бўлимлари — B35811. Қишлоқ хўжалиги, фан мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — B39050. Совет қурилиши маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — B37045. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — B34048. Эълонлар бўлими — B38142, Коммутатор — B30249 дан B30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

А—2489. Индекс 64634 Р. 01205.